

Танловга: Интернет жазирасидаги нур

14:40 / 19.04.2017 5273

Бир пайтлар Араб жазирасида ташлаб кетилган Ҳожар онамиз ва Исмоил алайҳиссаломларнинг ичиши учун раҳмат қилиб чиқарилган зам-зам булоғи атрофида, ҳали бир дона гувалак ташланмаган саҳрода, Маккаи мукарраманинг хозирги қиёфаси, Масжидул Харом, Кабаи Муаззама ва бутунбошли шаҳарни сувратини ким ҳаёлига келтирган дейсиз.

Биз ҳам қалб жазийрасида ҳудди саҳродаги одамлардек саргардон кезардик авваллари. Ҳамма ҳудди тарқоқ араблардек ҳар ерда боши деворга тақалиб, ўзига ўзи гапирган, узоқ чанг тўзонида оғзини ўраб беркитиб, отга миниб, қимирламай турган одамлардек эдик гўё. Лекин замонлар ўтиб, бу саҳрода узоқдан кўзга ташланиб қоладиган, кўпчилик ундаги раҳматдан баҳраманд бўлаётганлиги очиқ кўриниб қолган, биринчи кўрган одам сароб бўлса керак деб ўйлайдиган маскан қад кўтара бошлади. Бу ердаги биноларнинг соҳибларига аста-секин янги меҳмонларни кутиб олиш асосий мақсадларга айлана бошлади.

Қалблар туташди. Қотиб-қайишган тафаккурлар кескин кучланишга юз бурди. Куфрнинг охори тўкилди. Иймон сайқанланиб, ёруғликка давогарлик қилувчи энергиянинг мусбат ва манфий қутубларида қисқа туташувлар чўғланишдаги овози, хотира дивигателлари якорларини бирин кетин турта бошлади. Энди ўтган-кетган одам бу ерлик аҳоли билан турли соҳаларда ҳисоблашадиган, ўзаро тажриба алмашадиган, керак бўлса бор-бутуни шу ерга тўкадиган бир даргоҳ ўлароқ шакилланиб улгурган, иймонлашиб дўст-биродар бўладиган, энг муҳими илм-марифат марказларидан бирига айланган Ислом.Уз тасаннолар айтамыз...

Бу масканни ташкилидаги соҳиб ва соҳибалари охираат насибасидан ўз улушларини зиёдаси билан олар, иншааллоҳ. Барчангизни Аллоҳ учун яхши кўраман азизларим.

Жазакаллоҳи хойрон касийрон, касийрон касийро !!!

Меърож